

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика ҳудудларига ташрифлари давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017-2018 йиллар давомида республика ҳудудларига ташрифлари давомида ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши борасида тижорат банклари томонидан зарурий чоралар кўриб борилмоқда.

Ташрифлар давомида ўтказилган йиғилиш баёнларида тижорат банкларига жами **5 397** та инвестиция лойиҳалари ва белгиланган вазифаларни амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати **121,9** трлн. сўмни ташкил этади.

Шундан **4 019** таси инвестиция лойиҳаларига **34,8** трлн. сўмлик банк кредитлари ва харажатларини (*инвестициялар ва ҳомийлик маблағлари*) йўналтирилиши белгиланган.

Тижорат банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, тижорат банклари томонидан **1 767** та инвестиция лойиҳаларига **15,3** трлн.сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағлари манбалар бўйича таҳлил қилинганда:

- ўз маблағлари ҳисобидан **1 421** та лойиҳага **6,0** трлн.сўм;

- Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **40** та лойиҳага **5,6** трлн.сўм;

- жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан **282** та лойиҳага **3,2** трлн.сўм миқдорда ресурслар сарфланган.

Бундан ташқари, **24** та лойиҳани ишга тушириш учун жами **428** млрд.сўмдан ортиқ миқдорда маблағлар банк харажатлари ҳисобига амалга оширилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида жами **1 306** та лойиҳалар (*шундан 1066 таси банк кредитлари ва харажатлари ҳисобига*) ишга туширилган.

Шунингдек, ажратилган кредит маблағларини иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимооти қуйидагича, хусусан:

- саноат соҳасига 815 та лойиҳага 11,7 трлн.сўм;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 484 та лойиҳага 2,4 трлн.сўм;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 468 та лойиҳага 1,2 трлн.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Бугунги кунда ташаббускорлар томонидан зарурий ҳужжатлар ва етарли таъминот тақдим қилинганда банклар томонидан истиқболли лойиҳаларга зарурий кредит маблағлари ажратилиши таъминланмоқда.